

“Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг
56-сонли БАЁННОМАСИ

(Кўчирма)

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Шайхонтахур тумани, Лабзак мавзеси, 33 уй, “Agros hayot” СК МЧЖ мажлислар зали. Йиғилишда қатнашчилар видеоконференц алоқа орқали жалб этилди.

Ўтказиш санаси ва вақти: 2021 йил 29 июнь, соат 11⁰⁰.

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони: 33 198 274 дона овоз берувчи акциялар.

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони: 32 488 418 дона овоз берувчи акциялар.

Қатнашдилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич – 31 412 305 дона овоз берувчи акциялар эгаси вакили.

“Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти – Кучкаров Тохир Муминджанович – 1 076 113 дона овоз берувчи акциялар эгаси вакили.

Кворум – 97,8 %, яъни 32 488 418 дона овоз берувчи акция.

Йиғилишга таклиф этилган иштирокчилар:

Тафтиш комиссияси аъзоси: Ж.Расулов

Кузатув кенгаши аъзолари: Т.Кучкаров

Бошқарув аъзолари: С.Отамуратов, М.Мирабзалов,
А.Юсупов, Б.Ахадов, А.Жумаев,
Б.Содиқов, М.Носиров.

“Portfolio Investments” МЧЖ А.Садиков
вакили

Йиғилишни Кузатув кенгаши раиси Ш.Салиев очиб, кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилишидан олдин Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил 7 июнь куни бўлиб



ўтган йиғилишининг қарори билан тасдиқланган йиғилиш ишчи ҳайъати таркибини ҳамда йиғилиш котибини тасдиқлаш таклифини киритди ва бу таклиф маъқулланди.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши баённомасини юритиш учун йиғилиш котиби қилиб Бошқарувнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар ва инвестиция департаменти директори А.Исраилов сайланди.

Йиғилиш раиси – Ш.Салиев, раёсат аъзолари С.Отамуратов, Т.Кучкаров.


Акциядорлар умумий йиғилиши раиси Ш.Салиев санок комиссияси раиси А.Вахобовга кворумни эълон қилиш учун сўз берди.

А.Вахобов акциядорлар умумий йиғилишига иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтга қадар жами **32 488 418** дона овоз берувчи акциялар эгаларининг қонуний вакиллари рўйхатга олинганлигини, яъни кворум **97,8** фоизни ташкил этишини эълон қилди ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддасига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум бор) деб топилишини айтиб ўтди.

Шундан сўнг умумий йиғилиш раиси Ш.Салиев йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди:

КУН ТАРТИБИ

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг Регламентини тасдиқлаш.
3. “Ўзагросуғурта” АЖ Бошқаруви раисининг 2020 йил бизнес-режаси асосий кўрсаткичларининг бажарилиши ва Жамият ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Ўзагросуғурта” АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил яқунлари бўйича ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиш.
5. “Ўзагросуғурта” АЖнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг Тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
6. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ва корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига 2020 йилда риоя қилиниши бўйича мустақил баҳолаш натижалари юзасидан ҳисоботни эшитиш.
7. “Ўзагросуғурта” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарари ҳисоби бўйича ҳисоботи ва аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш.
8. “Ўзагросуғурта” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.
9. Акциядорлар ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси, ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олинмаган дивидендларни Жамият ихтиёрига ўтказиш.
10. Жамиятнинг 2021 йил учун йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамиятнинг Бошқарув раиси ва ўринбосарлари билан тузилган меҳнат шартномаларининг муддатини узайтириш.
12. “Ўзагросуғурта” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.



13. “Ўзагросуғурта” АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

14. “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) ҳамда йирик битим (битимлар) рўйхатини аниқлаш ва тасдиқлаш.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли Фармони доирасида Жамият фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатлари, жумладан, Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатини Жамият Кузатув кенгашига бериш.

16. “Ўзагросуғурта” АЖ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сонли Қарорига асосан “Жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий қилиш тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

18. Жамиятнинг келгусида, кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда, эҳтимолий ҳомийлик (хайрия) ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш)га боғлиқ бўлган ҳаражатларни тасдиқлаш, шу жумладан, Кузатув кенгашига, ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ваколатини бериш.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли Қарорига мувофиқ Жамиятга тегишли бўлган бино ва иншоотларни Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида баланс қийматида ўтказиш.

20. Жамият инвестиция порфелидаги “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг акцияларини Давлат активларини бошқариш агентлигига йўналтириш чораларини кўриш.

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.


Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши раиси Ш.Салиев сўзга чиқиб, Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил 7 июндаги йиғилиши қарори билан ўтказилаётган акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси учун уч кишидан иборат қўйидаги таркибда санок комиссияси тузилганлигини таъкидлади ва улар тўғрисидаги маълумотларни ўқиб эшиттирди:

Вахобов Абдурашид Расулович (комиссия раиси), Расулов Илхам Гайратович, Юлчиев Дониёр Бахтиёрович (комиссия аъзолари).

Кун тартибидаги масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинганидан сўнг, Ш.Салиев юқорида кўрсатилган таркибда уч кишидан иборат санок комиссияси тузишни овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси:

“тарафдор” - 32 488 418 та овоз, “қарши” - йўқ, “бетараф” - йўқ.



юзасидан ҳамкорлик алоқалари доирасида эришиладиган ижобий натижаларга путур етказиши мумкин.

Йиғилиш қатнашчилари кун тартибидаги масалани кенг ва атрофлича муҳокама қилганидан сўнг, Ш.Салиев кун тартибидаги масалани овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси:

“тарафдор” - 32 488 418 та овоз, “қарши” - йўқ, “бетараф” - йўқ.

Қабул қилинган қарор:

20.1. “Ўзагросуғурта” АЖга тегишли бўлган “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 3 546 879 031,00 сўм миқдоридаги акциялари Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиб берилсин ҳамда ушбу активларни чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар Жамиятнинг 2021 йилдаги давр харажатларида акс эттирилсин.

20.2. Мазкур активлар чиқиб кетиши ва харажатга олиниши муносабати билан Жамиятнинг 2021 йил учун тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларининг соф фойда қисми 3 546 879 031 сўмга камайган ҳисоблансин.

Йиғилиш баённомаси икки нусхада 2021 йилнинг 9 июль куни имзоланди.

**Бошқарув раисининг
ўринбосари**

А. Юсупов

